
Бағдод туманида сўнги 5 ой давомида маҳаллалардаги қирқдан зиёд трансформатор мукамал таъмирланди

Бағдод туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан ҳудудларда Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси тасдиқлаган режа-дастурга асосан паст кучланишли электр узатиш тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини жорий ва мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойидан буён бир қатор маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида жойлашган қуввати турли русумдаги 40 дан зиёд трансформатор пункти ва улардан чиқувчи 0.4 кВ электр узатиш тармоқлари мукамал таъмирдан чиқарилди. Бунда, трансформатор пунктларини бўяш, монтаж қилиш, носоз электр қурилмаларини янгилаш ишлари бажарилди.

Ҳудудларда электр таъминотини яхшилаш, электр қурилмалари ва электр узатиш тармоқларини таъмирлаш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-24 17:53:22